Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 205 (7. 294) 1990 йил 7 сентябрь, жума ◉ Баҳоси 3 тийин.

Рўзноманинг шу сонига

## Стипендия ошди

⊙ **КЕЧА Ўзбекистон ССР Президентининг «Аспирантлар, олий ўқув юрти талабалари, ўрта махсус ўқув юртлари ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг стипендияларини ошириш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Фармонда олий ўқув юртлари талабалари ва ўрта махсус ўқув юртлари ўқувчиларини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишни кучайтириш ва уларнинг моддий аҳволини яхшилаш, мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш кўзда тутилган.**

**Ҳамшаҳарларимиз Президент Фармони ҳақида ўз фикр ва мулоҳазаларини мухбиримизга билдирдилар. Қуйида улар билан танишасиз.**

**Ў. ИКРОМОВ,**
**Тошкент машинасозлик институти тракторсозлик кафедрасининг мудири, техника фанлари доктори, профессор:**

— Ўзингизга маълумки, институтимиз бу йил ташкил топди. Ҳозир кундузги, кечки, сиртқи бўлимда 950 талаба таълим олмоқда. Президентимиз Фармони барча қатори мени ҳам тўлқинлантириб юборди. Сабаби талабаларнинг камол топиши учун, улар кучини ва вақтини кўпроқ бевосита ўқишга, мустаҳкам билим олишга сарфлаши учун ҳозир қандай шароит яратиб бераётганлигимизга боғлиқ эканлигини эсдан чиқармаслигимиз лозим. Айниқса, уларнинг баъзиларининг ўқиш жараёнида ота-оналаридан олаётан моддий ёрдами ана шу оилалар жамғармасига таъсир қилмаслиги керак.

Президент Фармонигача ҳар бир талаба 40 сўм стипендия олар эди. Энди яна 12 сўм қўшилиб, 52 сўмдан оладиган бўлишади. Бундан ташқари 50 фоиз имтиҳонни тўрт баҳога, 50 фоиз имтиҳонни беш баҳога топширса қўшимча яна 25 фоиз стипендия олади. Агарда талаба ҳамма имтиҳонларни беш баҳога топширса қўшимча 50 фоиз стипендия тўланади. Шунингдек, аспирантлар учун ҳам жуда кўплаб қулайликлар яратилмоқда. Менинг ўзим аспирант бўлганман. Айниқса, оиласи бор аспирантлар стипендияларни сабрсизлик билан кутишади. Президентимизнинг бу Фармони уларнинг кўнглини кўтарганлигига менда ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ. Ахир, 1990—1991 йилнинг ўзидаёқ 390 минг аспирант, талаба ва ўқувчи бюджетига 90 миллион сўм ажратилиши бу жуда катта гап. Бунда аспирантларнинг ўртача стипендияси 180 сўмни ташкил этар экан. Бундай ғамхўрлик талаба ва аспирантларнинг фақат чуқур билим олишларига замин яратади.

**Э. АБИРОВ,**
**Тошкент қурилиш ўқув юрти директори:**

— Бизда олтита мутахассислик бўйича қурувчилар тайёрланади. Бу йил кундузги ва кечки бўлимга 630 ўқувчи қабул қилинди. Ҳаммаси бўлиб ўқув юртимизда 2.400 талаба ўқимоқда. Ўзбекистон ССР Президентининг кечаги Фармонини ўқиб, беҳад хурсанд бўлдим.

Ҳозир ҳар бир талаба 30 сўм стипендия олаётган бўлса, энди Призидентнинг Фармонидан кейин 42 сўм олади. Бундан ташқари биз «Главташкентстрой»га малакали кадрлар тайёрлаб чиқараётганлигимиз учун бу ташкилотдан ҳар бир бола учун 20 сўм ўтказишади. Бу пулга биз талабаларни Москва, Ленинград, Киев, Одесса каби шаҳарларга саёҳатга юборамиз. Шуни ҳам айтиб ўтайки, талабалар бўш вақтларида қурилишларга бориб ишлашади. Улар қилган меҳнатларига қараб 120 сўмдан 300 сўмгача ҳақ олишади.

**М. ЭШОНҚУЛОВ,**
**42-ўрта ҳунар-техника билим юрти директори:**

— Билим юртимизда 700 бола ўқийди, улар олти соҳа бўйича мутахассисликни эгаллашади. Бизда бир йил ўқийдиганлар 30 сўм стипендия олади. Уч йил ўқийдиганлар эса, ҳар куни текинга 1 сўм 36 тийин ҳисобидан овқатланишади ва бепул кийим-бош билан таъминланади. Бундан ташқари корхоналарда практика вақтида ишлаб топган пулининг 50 фоизини олади. Президентимизнинг Фармони жуда яхши бўлди. Энди ўқувчиларнинг билим олишлари учун анча замин яратилди деб ўйлайман. Ҳозир давлатимиз бир йилда бир бола учун минг сўм сарф қилади. Уларнинг ўз касбини мукаммал эгаллашлари учун бу янги чиққан Фармон далда беради.

**А. ҒАЙБУЛЛАЕВ,**
**талаба:**

— Студентлик — олтин даврим дейишади. Бу ҳақ гап. Аммо ёнингда овқатланиш учун ҳам пулинг бўлмай қолсачи? Бундай воқеалар талабалар ҳаётида кўп учрайди. Айниқса, жумҳуриятимиз вилоятларидан ўқишга келганлар орасида. Шунинг учун ҳам баъзида улар Чорсудаги мардикор бозорига бориб бир кунда 25—30 сўмга мардикорчилик қилишади. Икки кунлик меҳнатлари эвазига бир ойлик стипендияни олишиб, кам-кўстларига ишлатишади. Ана шуларни ўйлаб Президентимизнинг стипендияларни ошириш ҳақида чиқарган Фармони айни муддао бўлганини айтиш керак. Энди биз талабалар бунга жавобан билимни чуқур эгаллаб, халқимиз равнақи йўлида, порлоқ келажагимиз учун билимларни астойдил эгаллашимиз лозим.

**Суҳбатдош Р. ФАЙЗУЛЛАЕВ.**

**• Янгиликлар • Воқеалар • Шарҳлар • Янгиликлар • Воқеалар • Шарҳлар • Янгиликлар • Воқеалар**



⊙ **КАСБИМ — ЧЕВАРЛИК.** Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг ёш чевари Наргиза Қодирова.

Х. Мирзакаримов сурати.

## Тошкент шаҳар Советида

Тошкент шаҳар Совети президиуми ва ижроия комитетининг қўшма мажлиси бўлди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва жумҳурият Вазирлар Кенгашининг «1991—1995 йилларда Тошкент шаҳри аҳолисининг ҳаёт таъминотини тубдан яхшилаш ва шаҳарнинг тарихий районларини таъмирлашни жадаллаштиришга доир биринчи навбатдаги тадбирлар тўғрисида»ги 1989 йил 23 ноябрь қарорининг ижроси ҳақида Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари О. Ҳ. Асқаровнинг ахбороти тингланди.

Тошкент шаҳар Совети президиуми ва ижроия комитети шаҳар план комиссиясининг, меъморчилик ва шаҳарсозлик Бош бошқармасининг, «Ташгипрогор», «ТашНИИПИгенплан» институтларининг, трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасининг, ободонлаштириш Бош бошқармасининг капитал қурилиши режаларини ва лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишга, мазкур қарорда кўзда тутилган мўлжалдаги кўрсаткичларни таъминлашга доир ишларини етарли эмас, деб қайд этди. Ана шу бўлинмаларнинг раҳбарлари мазкур қарор кўрсаткичларини таъминлаш юзасидан қисқа муддатларда чора-тадбирларни кўрмасалар, жавобгарликка тортилишлари ҳақида огоҳлантирилди.

Ўзбекистон ССР «Госкоопкомсельхоз»и, «Алгоритм» заводи, «Восток» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Узбекэнерго» ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбарларининг эътибори уй-жой қурилиши объектларини, иссиқлик ва энергетика манбааларини ишга тушириш топшириқларининг барбод этилишига йўл қўйиб бўлмаслигига қаратилди.

Тошкент шаҳар Совети президиуми ва ижроия комитети Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Вазирлар Кенгашидан 1989 йил 23 ноябрдаги қарорнинг комплекс ва якка тартибда қурилишлар учун ер ажратиш бобидаги қисмини барбод этишда айбдор бўлган Тошкент вилояти ижроия комитети бўлинмаларининг раҳбарлари жавобгарлигини кўриб чиқишни илтимос қиладилар.

Вазирликлар, идоралар ва муассасаларнинг раҳбарлари мазкур қарорнинг бажарилишини таъминлаш учун шахсан масъул эканликлари ҳақида огоҳлантирилди.

Шаҳар ижрокоми ҳамда район Советлари ва ижроия комитетлари раисларининг ўринбосарларига, ижроком Бош бошқармаларининг, бирлашмаларининг, бўлим ва трестларининг раҳбарларига ўн кун муддат ичида қарорда белгиланган топшириқларнинг сўзсиз бажарилишига доир барча масалаларни кўриб чиқиш ва Тошкент шаҳар Советига маълум қилиш топширилди.

Мажлисда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети учинчи сессиясининг материаллари ҳам кўриб чиқилди.

## Тошкент шаҳар партия ташкилоти назорат-тафтиш ҳайъатининг пленуми

1990 йил 4 сентябрда Тошкент шаҳар партия ташкилоти назорат-тафтиш ҳайъатининг иккинчи пленуми бўлди. Унда ҳайъат раиси В. А. Шалупов «КПСС XXVIII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXII съезди якунлари ҳамда Тошкент шаҳар партия ташкилоти назорат-тафтиш ҳайъатининг вазифалари тўғрисида» маъруза қилди.

Маъруза муҳокамасида «Ташинжстрой» трести бош муҳандиси В. В. Личков, «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмасининг созловчиси А. Н. Умаров, Тошкент 1-тиббиёт олийгоҳининг ректори Т. А. Даминов, Тошкентдаги 2-шаҳар клиник касалхонасининг бош врачи М. А. Зокирова, Ленин район партия комитетининг иккинчи котиби А. Абдураҳмонов, Тошкент шаҳар пассажир транспорти ишлаб чиқариш бирлашмасининг бошлиғи Р. Ф. Файзуллаев иштирок этдилар.

Пленум Тошкент шаҳар партия ташкилоти назорат-тафтиш ҳайъати тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритди, иш тартибини ва ҳайъат тузилишини тасдиқлади.

Ташкилий масала кўриб чиқилди. КПСС Уставининг КПСС аъзоси бир вақтнинг ўзида иккитадан кўп партия комитетларида аъзо бўлолмаслиги ҳақидаги қоидасига мувофиқ пленум Х. С. Ориповнинг назорат-тафтиш ҳайъати президиумининг аъзоси вазифасидан озод қилиш ҳақидаги аризасини қондирди ва уни ҳайъат таркибидан чиқарди. Шунингдек, А. А. Манасовнинг область ташкилотига ишга ўтиши муносабати билан уни назорат-тафтиш ҳайъати аъзоси вазифасидан озод қилиш ҳақидаги аризаси қондирилди. Тошкент шаҳар пассажир транспорти ишлаб чиқариш бирлашмасининг бошлиғи Р. Ф. Файзуллаев Тошкент шаҳар партия ташкилоти назорат-тафтиш ҳайъати президиумининг аъзоси этиб сайланди.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий назорат-тафтиш ҳайъати раисининг ўринбосари И. П. Алесич сўзга чиқди.

## Ўзини оқлаган тажриба

⊙ **ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ишлаб чиқариш таълими ёшларга зарур касб-ҳунарларни ўргатишда етакчи усул ва восита бўлиб хизмат қилмоқда.** Бу янгича муносабат Тошкентдаги 49-ҳунар-техника билим юрти иш тажрибасида ўзини тўла оқламоқда.

Бунда, шубҳасиз, билим ўчоғининг корхоналар билан яқин алоқаси яхши самара берди. Янги ўқув йилидан эътиборан билим юртида «Ўртоқ» қандолат фабрикасининг филиали иш бошлайди. Ишлаб чиқариш таълими бўйича ўқув базаси вазифасини ўтайдиган мазкур филиалда қандолатчилик маҳсулотларини тайёрлаш йўлга қўйилади.

Бундан ташқари билим юрти муҳандис-педагогик жамоаси ташаббуси билан 213-мактабда слесарлик устахонаси очилди. Эндиликда бу устахона мактаб учун ҳам, билим юрти учун ҳам хизмат қилади.

Шаҳримиздаги 158- ва 168-мактабларда радиомонтаж лабораториялари очилиб, улар меҳнат таълими марказига айлантирилади.

**А. АЛИЕВ.**

## Уч йўналишда

⊙ **УМУМИЙ таълим мактабларида қатор фанларни атрофлича ўргатиш асосида ўқувчиларга чуқур билим беришга эътибор кучайди.** Бу эса мактаб таълимида замон талабига мос келадиган муҳим тадбирларни амалга оширишни тақозо этмоқда.

Бу борада шаҳримиздаги айрим билим даргоҳларида мустақил йўл тутиб, ўқиш ва ўқитишнинг ўзига хос усул ва методларига амал қилинмоқда. Масалан, Тошкентдаги 191-ўрта мактаб педагогика жамоаси ташаббуси билан махсус синфлар очилди. Уч йўналишда иш олиб борадиган бу синфларда асосан физика-математика, химия-биология, гуманитар фанлардан ўқувчиларга чуқур билим берилади.

Яна шуни қўшимча қилмоқ жоизки, мактабнинг бешинчи синфларида иш тартиби гимназия талаблари асосида ташкил этишга ўтилди. Бу ҳам билимларни пухта эгаллаш йўлида кўрилган муҳим тадбирлардан бири бўлди.

**С. ОДИЛОВА.**

## Ҳашарга отланишди

⊙ **ТЎКИН ёзнинг ширин-шакар ноз-неъматларини териб олиш қизғин бормоқда.**

Социал таъминот вазирлигига қарашли ҳуқуқшунослик техникуми талабалари ҳам қишлоқ хўжалик маҳсулотларини нес-нобуд қилмай йиғиштириб олиш учун ҳашарга отланишди.

БУГУН талабалардан икки юз нафари пойтахт вилоятининг Оржоникидзе районидаги «Қибрай» давлат хўжалигига жўнаб кетди.

Ҳашарчилар хўжаликка ҳар йили ёрдам беради.

Муштарийларимиз таклиф қилади

## Авлодлар олдидаги бурчимиз

БИР донишманд: «Соат милининг сурилиши — умрнинг қисқаришидан дарак беради» деб айтган экан. Сўзсиз, халқ оғзаки ижодиётида, муайян ҳаётда мавжуд бўлган нақллар остида нозик маънолар, серқирра мазмунлар мавжуд, улар кундалик турмушимиз ривожига хизмат қилади. Гапни узоқдан бошлашимизнинг сабаби, ўзбек халқининг асл фарзанди, Ўзбекистон Коммунистик партиясининг ташкилотчиларидан бири, умрининг охиригача Ленин ғояларига содиқ қолган оташин курашчи — Акмал Икромов руҳи олдида қарздор эканлигимиздир.



Маълумки, Акмал ака 1898 йил 14 ноябрда Тошкент шаҳрининг «Ўқчи» кўча, «5-Мерганча» маҳалласида таваллуд топди. Шу жойда яшади, халққа хизмат қилди. Лекин, афсус ва надоматлар бўлсинки қирқ ёшга ҳам етмай, она юртидан анча олисда фожиали ҳалок бўлди. Тўғрироғи, шахсга сиғиниш даврининг қурбони бўлди.

Ҳозир бизнинг олдимизда турган вазифа, фақат ўтмишни қоралаш эмас, айни вақтда тарих сабоқларидан тўғри хулосалар чиқарган ҳолда, тезкорлик билан амалий ишга ўтиш, яъни қатағон қилинган шахслар хотирасини ҳозирги ва келгуси авлодлар учун абадийлаштириш, бу жараёнларнинг маънавий ва тарбиявий кучидан унумли фойдаланишдан иборатдир.

Мана, шонли сана — Акмал Икромов туғилган куннинг 100 йиллигини байрам қилишимизга ҳам оз вақт қолди. Биз бу қутлуғ тантанага катта эътибор ва масъулият билан ёндошишимиз керак. Афсуски, халқимиз севимли фарзандининг 90 йиллик тўйини лозим бўлган даражада нишонлади, деб айтолмаймиз. В. И. Ленин музейининг Тошкент филиалида А. Икромов ҳаёти ва ижодига бағишлаб шошилинч равишда ташкил қилинган суратлар кўргазмаси қатор камчиликлардан ҳоли эмас эди. Улардан бири кўргазманинг номуносиб жойга ўрнатилганлиги, яъни жуда кам одам кўра оладиган кўргазмага қўйилганлигидир. Кўргазмада намойиш этилган биринчи ҳужжатдан — А. Икромовнинг 90 йиллиги эмас, 91 йиллиги нишонланиши келиб чиқар, ўғли Ургут Икромовнинг туғилган йили эса бир йил кечиктириб кўрсатилган эди. Бундан ташқари кўп йиллардан бери орзиқиб кутилган А. Икромов ҳайкали унинг 90 йиллиги арафасига ҳам тайёр бўлмади. Уни ўрнатишга қарийб бир йил кейин, яъни 1989 йилнинг октябрь ойида эришилди. Минг надоматлар бўлсинки бу вақтга келиб А. Икромовнинг икки фарзанди — ўғиллари Ургут ва Комил Икромовлар ҳаётдан кўз юмган эдилар. Ана вақт омилининг бешафқатлиги, ана бизнинг камҳафсалалигимиз, лоқайдлигимизнинг аччиқ меваси. Бизнинг бу қадар куюнчаклик билан сўз юритаётганлигимиз боиси, ҳеч бўлмаганда кейинги авлод — ҳозирда бор бўлган А. Икромов набира ва эвaралари, узоқ-яқин қариндош-уруғлари, бирга ишлаган сафдошлари, қолаверса бутун жумҳуриятимиз халқи ўз қўли, меҳнати, юрак қўри билан буюк юртдошимизнинг 100 йиллик тантаналари тадбирларини амалга оширишда фаол қатнашсин ва ўз кўзи билан кўрсин, қувонсин. Бу борадаги бизнинг муайян таклиф ва режаларимиз қуйидагича:

Биринчидан, А. Икромов униб-ўсган Ўқчи ва Хизматчи кўчаларини ўз ичига олган «5-Мерганча» маҳалласи «5-Мерганча — Акмал Икромов» деб юритилса.

Иккинчидан, халқимизнинг «Ҳар бир нарса ўз ўрнида ширин, ўз ўрнида қадрли» иборасини назарда тутиб А. Икромов туғилиб-ўсган даҳа ўрнида кейинги йилларда янги очилган Абай кўчасига ҳақли равишда Акмал Икромов номи берилса ва у В. И. Ленин сафдоши тимсоли Тошкентнинг Космонавтлар хиёбонини кесиб ўтувчи Ленин кўчаси олдидан бошланиб 9 январь, Ўзбекистон, Ўқчи, Алишер Навоий, Абдулла Қодирий кўчалари орқали Усмон Юсупов кўчасигача бориб етса.

Абай кўчаси номини — ҳеч қандай маънавий йўқотишсиз, адиб ҳурматини эъзозлаган ҳолда «Китоблар дунёси» дўкони, Ҳамид Олимжон метро станцияси, Пушкин, Қори-Ниёзий кўчалари ёнидаги — ҳозирги А. Икромов кўчаси ўрнига берилса — бу ҳам қардош халқлар шоир ва зиёлилари бирдамлиги рамзи бўлиб шаҳримиз ҳуснига ҳусн қўшган бўларди.

Юқоридаги икки таклиф амалга ошишига умид боғлаган ҳолда учинчи таклифни киритамиз: у ҳам бўлса қадимий ва навқирон Тошкентимиз кўркини уйғунлаштириш, узуқ-юлуқ, пала-партиш иш юритишга чек қўйиш, ҳар жойга мантиқан ва мазмунан мос келмаган ном қўйиш, ҳайкал ва ёдгорликлар ўрнатишдан воз кечишга қаратилгандир.

Демак, навбатдаги таклиф — ҳозирги Ўқчи ва бўлғуси Акмал Икромов кўчалари чорраҳасининг чап биқинида бўш жой бор, шу ерда ўттизинчи йиллар ҳақсиз қурбонлари хотирасига муносиб мемориал комплекс барпо этилса. Унда Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев, Абдулла Қодирий, Усмон Носир, Фитрат, Чўлпон ва бошқа орамиздан бемаврид кетган Ўзбекистон фарзандларининг сиймолари ўз аксини топса. Бу комплекс ундаги шахсларнинг қисқа ва лекин сермазмун ҳаётларини кенг халқ оммасига етказувчи зиёратгоҳ (музей) билан тўлдирилса. Мазкур комплекс қурилишига серҳиммат Ўзбекистон аҳолиси ўз ҳиссасини қўшишига ишончимиз комил.

Биз «5-Мерганча» маҳалласи аъзолари барчамиз севиб ўқийдиган «Тошкент оқшоми» рўзномаси орқали бутун жумҳуриятимиз фуқароларидан ўртага ташланган масалалар юзасидан кечикмай ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришни ўтиниб сўраймиз. Зеро, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» рўзномасининг 1988 йил 16 декабрь 51-сонида чоп этилган «Мангу бирғалик» мақоласидаги А. Икромов хотирасига бағишланган таклифларимизнинг аксарияти раҳбарлар эътиборидан четда қолиб кетди.

**Санталат ЗИЁВИДДИНОВА,**
**«5-Мерганча» маҳалла комитетининг котиби.**
**Заҳириддин САЛОҲИДДИНОВ,**
**илмий ходим.**
**Неъмат ҲАСАНОВ,**
**«5-Мерганча» маҳалла комитетининг раиси, меҳнат кексаси.**
**Қўчқор НАЗАРОВ,**
**пенсионер.**

⊙ Муаллифларнинг илтимосларига биноан мазкур мақола қалам ҳақи Тошкент шаҳар, Октябрь райони ободонлаштириш бошқармаси ҳисобига ўтказилади.

**Обуна—91:**

## Чорак асрдирки «Оқшом» улар ҳамроҳи

⊙ **АЛОҚА ХОДИМЛАРИНИНГ долзарб мавсуми бошланди. Улар рўзнома ва ойномалар, хат-хабарлар тарқатиш билан бирга хонадонларда бўлишиб, бу йилги обунани қандай расмийлаштириш ҳақида ҳамшаҳарларимизга йўл-йўриқ кўрсатмоқдалар ва ўзлари ҳам ўша ернинг ўзида рўзнома ва ойномаларга ёзилиш истагида бўлган аҳолига анкеталар ёзиб бермоқдалар.**

Бугунги кунда алоқа бўлимлари ҳам анча гавжумланиб қолди. Биз Собир Раҳимов районидаги 69-алоқа бўлимига борганимизда бунинг гувоҳи бўлдик. Бу ерда ходима Матлуба Шерова обуначилар билан ширин муомалада бўлиб уларга анкеталар тўлдиришда йўл-йўриқ кўрсатиб, маслаҳат бериб турибди.

Алоқа бўлимига келган бир нечта кишини суҳбатга чорладик.

Бекмурод Жўраев — пенсионер, райондаги 111-ўрта мактабда 33 йил ишлаб, қарилик гаштини сурмоқда. Қорасарой кўчасининг 3-Бобохонов тор кўчаси, 5-уйда яшовчи бу ҳамшаҳримиз Бобур маҳалла қўмитасининг раиси. «Тошкент оқшоми» рўзномаси, «Фан ва турмуш», «Шарқ юлдузи» каби ойномаларга ёзилаётган экан.

— **Кечирасиз Бекмурод ака, обунанинг баҳоси ошганлигидан хабарингиз борми?**

— Бўлмасамчи, хабарим бор. Нархи ошди деб воз кеча олмайман. Чунки рўзномаларни ўқимасам туролмайман. Айниқса «Оқшом» дилимдагини ёзади. Шунинг учун ҳам «Тошкент оқшоми» рўзномасига бу йил 25-марта обуна бўлишим. Чорак аср оиламизнинг энг севган рўзномаларидан бири бўлиб қолган «Тошкент оқшоми» саҳифаларида ҳар доим биз истаган мавзудаги ахлоқ-одоб мавзуида ўқимишли мақолалар чиқиб туради.

Нури Қаюмхўжаева 8 фарзандни тарбиялаб вояга етказаётган онахонлардан. Райондаги Нодира кўчаси, 166-уйда истиқомат қилади.

— Фарзандларимни одобли, яхши хулқли қилиб тарбиялашда «Тошкент оқшоми» рўзномасининг ҳиссаси бор, десам янглишмайман. Шунинг учун ҳам бу йил рўзномаларга обуна анча қиммат бўлишига қарамасдан фарзандларимиз билан «Оқшом»га обуна бўлишга қарор қилдик. Сабаби ҳар йили шу рўзномага ёзиламиз. Ундаги бериладиган мақолалар фақат менга эмас, оиламиздаги барча фарзандларимга ҳам жуда маъқул бўлади. Шаҳримизда рўй бераётган янгиликларни билиб бориш, одоб-ахлоқ мавзуидаги мақолалар ва «Шанба оқшоми»да бериладиган ҳар хил қизиқарли мақолалар бизга жуда маъқул бўлади. Рўзномани ҳадеб ўқиб тургандан кейин энг яхши сирдошинг ва маслаҳатгўйинг бўлиб қолар экан. Мен бундан жуда хурсандман.

**Д. ОБЛАЕВ.**

⊙ **СУРАТЛАРДА: Собир Раҳимов районидаги 69-алоқа бўлимида «Оқшом» рўзномасига обунани расмийлаштираётган унинг мухлисларидан Бекмурод Жўраев ва Нури Қаюмхўжаева.**

Муаллиф суратлари.



Бу ҳақда Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездида гапирилган эди

# Ишончни тиклаш керак

**⊙ Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмасининг прессчиси Фина Набиева билан биз дастлаб XXVII Тошкент шаҳар партия конференцияси очилиши арафасида учрашган эдик. Ўшанда у ушбу анжуман делегат қатнашчиси сифатида КПССнинг жамиятимиздаги тутган мавқеи ҳақида биз билан ўз фикр ва мулоҳазаларини ўртоқлашган эди.**

**Яқинда мухбиримиз у билан яна учрашиб, Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездида тилга олинган демократия ва партиявий бирлик тўғрисида гапириб беришни илтимос қилди.**

— БУГУН партия турмушини демократиялаш партиянинг бирлигини мустаҳкамлаш билан чамбарчас боғлиқдир. Агар партиявий бирлик бўлмас экан, ҳеч қандай демократия ҳақида ҳам сўз юритиш мумкин эмас, — дейди бизга Ф. Набиева. — Ҳозирча бир нарсани тан олишга тўғри келади. Партиядаги қайта қуриш жамиятдаги қайта қуришга нисбатан орқада қолмоқда. Ҳали ҳам кўпгина партия комитетлари ва ташкилотлари эскича фикрлашдан воз кеча олмай юришибди. Улар ҳамон юқорининг кўрсатмасини бажаришни ўз ишларининг асл маъноси деб тушунадилар. Мен уларга қарата биринчи навбатда Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди минбаридан янграган ушбу сўзларни эслатиб ўтмоқчи эдим: «Бизни ишнинг ташқи томонигина, аппарат тузилишнинг ўзгариши, ундаги ходимлар сонининг қисқаришигина эмас, аввало ишнинг ички мазмуни қизиқтирмоқда. Сиёсий натижа худди мана шу мазмунга боғлиқ бўлади, бинобарин партия ташкилотларининг барқарорлиги ва обрў-эътибори, одамларнинг қайта қуришга ишончи ҳам мана шунга боғлиқ бўлади».

Хўш, бизда мана шу партиявий ишнинг ички мазмуни яхшими? Балки қайсидир партия ташкилотида у яхши бўлса бордир. Лекин кенгроқ доирада оладиган бўлсак унга юқоридаги баҳони бера олмаймиз. Чунки ҳозирги партиядаги нотекис аҳвол, бошланғич ташкилотларнинг обрўйи пасайиб кетиши бунинг яққол далилидир.

Бир нарсани тўғри англаб олишимиз керак бўлади. Агар партия комитети оммадан ажралиб қолса, у фақат кабинетларда ўтириб олиб, иш юритадиган бўлса, халқ ишончини буткул йўқотиб қўяди. Шундоқ ҳам йўқотилган ишончни тиклаш учун эса ҳар бир ишда партиянинг фаоллиги ва ташаббускорлиги сезилиб туриши керак. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг партия XXII съездига Сиёсий маърузасида ўтган йили турли сабабларга кўра 719 коммунист ўз партия билети ва номзодлик карточкаларини топширганлиги, шу йил бошидан эса деярли яна шунча коммунист партия сафидан чиққанлиги бежиз қайд этилмади. Чиндан ҳам партияга амалпарастлик ниятида кирган кишилар ундан юз ўгираётган бўлсалар бу ҳақиқий маънодаги покланиш бўларди. Бироқ, афсуски улар орасида саросимага тушибми ёки кимларнингдир билиб-билмас қилаётган «башоратлари»га ишонибми иш тутаётган кишилар ҳам йўқ эмас. Бундайларга тўғри йўл кўрсатишда ёрдамлашиш зарур. Уларга ҳамкор ва ҳамдард бўлмоқ лозим. Шундай қилайликки, ҳозирги янгиланиш жараёнида улар ўз ўринларини топа олсинлар.

Аниқ-ойдин бир нарсани айтиб қўйиш керак. КПССнинг XXVIII съездигача партия парчаланиб кетадими ёки ўз бирлигини сақлаб қола оладими, деган тахминлар юрарди. Юксак анжуман бу масалага узил-кесил чек қўйди. Партия ўз бирлигини сақлаб қола олишини исботлаб берди.

Ҳозир ҳамма жойда партиядаги парокандалик, ишончсизлик иллатларининг пайдо бўлиш сабаблари тахмин қилинмоқда, ўрганилмоқда. Жамиятимиздаги бор иллатлар оммада партияга ишончсизлик руҳини туғдиришда омил бўлди дейилмоқда. Бу ҳақда гап борганда мен бир нарсани таъкидламоқчи эдим. Менимча, ишончсизликнинг энг юксак кўриниши лавозимли ўринларга фақат коммунистларни кўтариб, бу борада партиясизларга мутлақо эътиборсиз қараганлигимизда бўлди. Узоққа бормай, ўзимизнинг корхонамиз фаолиятига разм соладиган бўлсак, бундай мисолларни кўплаб учратиш мумкин. Цех бошлиғими, устами, бригадирми, хуллас нимаки лавозимли ўрин бўлса, коммунистларни бош этиб тайинлайвердик, улардаги иқтидору билим ёки тажриба билан ишимиз бўлмади. Ваҳоланки, ўша коммунистга нисбатан иқтидорли кишилар партиясизлиги учун оёқда қолиб кетаверишди. Бахт коммунист бўлган кишига кулиб боқаверди. Партия сафига кирувчилар сонининг йил сайин ортиб боришини мен худди шундан деб биламан. Энг ёмони лаёқатлилар қолиб, лаёқатсиз кишилар коммунистлар сафини тўлдириб боришди. Чунки улар партиявий ниқобгина жонларига оро киришига, худди мана шу йўл билан мақсадга эришишлари мумкинлигига кўзлари етиб қолганди. Бу ҳангомалар, талаш-тортишлар шундоққина одамлар кўз ўнгида бўлиб тургандан кейин эътиқод, масъулият, жонкуярлик ҳақида қандай сўз юритиш мумкин?! Яхшиямки, қайта қуриш, демократия қарор топди. Бундай кўр-кўрона ишларга чек қўйилди. Шунинг учун ҳам жумҳурият съезди биз, коммунистлар олдига янги вазифаларни қўйди. Агар унда қабул қилинган ҳужжатлар амалга оширилса, партия ҳаёти янгиланади, бошланғич ташкилотларнинг нуфузи ортади. Лекин бунга ўз-ўзидан эришиб бўлмайди, албатта. Бунинг учун ҳар биримиз юқоридан кўрсатма кутмай, ўз фаолиятимизни туб маънода жонлантириб юборишимиз, мафкуравий ишлар таъсирчанлигини кучайтиришимиз лозим.

Фикримни жумҳурият Компартиясининг XXII съездида қилинган маърузадаги ушбу сўзлар билан якунламоқчиман: «Биз бошланғич партия ташкилотларининг обрў-эътиборини, фаолиятини ва ташаббускорлигини амалга оширишимиз, улар орқали партиявийлар оммасини партиянинг барча ишларида амалий қатнашувини таъминлашимиз лозим». Ана шу йўл билан омма кайфиятида партияга бўлган ишончни қайта тиклашимиз мумкин бўлади.

**Суҳбатдош М. КОМИЛЖОНОВ.**





# ҲАМКАСБЛАР ОЛҚИШИ

**МАНА сиз ҳозиргина ўзингиз ихлос қўйган ва севган ёзувчининг китобини мароқ билан ўқиб, уни тугалладингиз. Ёзувчининг йиллар мобайнида тунларни бедор ўтказиб, ёзган асаридан бир олам завқ олдингиз. Лекин ушбу китобни муштарийлар қўлига етказувчи яна бир касб эгалари борки, тўғриси биз ҳар доим ҳам уларнинг меҳнатини ва чеккан заҳматини кўз олдимизга келтиравермаймиз. Булар — босмахона ҳарф терувчиларидан тортиб, уни нашрга тайёрловчиларгача, китобни саҳифаловчилардан тортиб уни муқоваловчиларгача ишларни бажарадиган заҳматкаш кишилардир. Муқаддас Тўрахўжаева ҳам шундай касб соҳибаларидан биридир. Унинг Тошкентдаги офсет фабрикасида меҳнат қилаётганига ҳам анча бўлиб қолди. Шу йиллар мобайнида у китобларни муқовалаш сирларини пухта ўзлаштириб олди. Эндиликда Муқаддас фабриканинг энг яхши китоб муқоваловчиларидан биридир.**

**— Ўзимнинг камтарона меҳнатим билан зиё таратишдек улуғ ишга ҳисса қўшаётганлигимдан бахтиёрман, — дейди Муқаддас Тўрахўжаева.**

**Ўзининг бахтини танлаган ҳунаридан топган ва ҳамкасблари олқишига сазовор бўлганлардан яна бири — ўнг томондаги суратда сизга табассум билан боқиб турган пардозловчи Дмитрий Трусенков бўлади. Унинг қурилишда иш бошлаганига ўттиз олти йилдан ошди. Шу йиллар мобайнида у ва унинг бригадаси аъзолари қўлидан чиққан бинолар шаҳримиз кўркига кўрк қўшиб турибди. Меҳнат кексаси Д. Трусенков шу кунларда ҳам ғайрат-шижоатини бир зум бўлса-да бўшаштираётгани йўқ. У бош бўлган бригада азаматлари шаҳримизнинг Юнусобод даҳасининг 8-мавзесида қад кўтараётган уй-жой биносини пардозлашда фидойилик кўрсатмоқда.**

**Ҳа, пардозлаш трестининг 48-қурилиш бошқармасида Д. Трусенков сингари жонкуярлар кўпчиликни ташкил этганлиги шарофати билан қурувчиларнинг юзи доимо ёруғ бўлмоқда. Суратчимиз Тўлқин Каримов билан офсет фабрикасида ва қурилиш ишлари кетаётган жойда бўлган пайтимизда, матбаачилар ҳамда пардозловчиларнинг ишлари билан яқиндан танишган чоғимизда бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.**

**С. БОБОЕВ.**

Депутатлар фаолияти

# Истакнинг катта-кичиги бўлмайди

ХАДРАДАН 1298 номерли 20-троллейбус маршрутига ўтирдик. Озода салонда ҳайдовчининг қувноқ овози янгради: «Кейинги бекат Марказий Телеграф! «Пахтакор» метро станциясига борувчилар шу бекатда тушишлари ҳам мумкин».

Троллейбус катта йўлдан бир текисда ҳаракатланар, ўриндиқларни тўлдирган йўловчилар бир-бирлари билан суҳбатлашиб боришарди. Бировларнинг гапига қулоқ солиш одобдан бўлмаса ҳам олдинги ўриндиқда ўтирган икки нуроний қариянинг баланд овоздаги суҳбати диққатимизни тортди.

— Мана шу троллейбусни бошқараётган йигит бизнинг маҳаллалик Қодиржон бўлади.

— Қайси, анови Сафо аканинг ўғлими?

— Ҳа, баракалла, худди ўша. Барака топкур меҳнаткаш чиқдида! Эшитдингизми, ишхонадаги ўртоқлари қўярда-қўймай уни депутатликка сайлашибди.

— Умридан барака топсин, азамат йигит экан.

Қариялар қўлларини очиб ҳайдовчини дуо қилишди.

Шу баҳона бўлди-ю, ҳайдовчи билан суҳбатлашмоқчи бўлдик. Троллейбус кабинаси томон бордик. Оқ-сариқдан келган, баланд бўйли, истараси иссиқ йигит рулни моҳирлик билан бошқарар, кабина кўзгусидан кўчадаги ҳаракат маромини диққат билан кузатарди. Бекатларда учала эшикни бараварига очиб-ёпар ва машинани жойидан оҳиста қўзғатарди.

— Йўлда гаплашиш ноқулай. Агар таклифимга кўнсангиз охирги бекатгача борсак, бир соат тушликка чиқаман, бемалол гаплашамиз, — деди Қодиржон мақсадимизни билгач.

Рози бўлдик.

...Киров районидаги 38-сайлов округидан район Совети депутатлигига номзоди кўрсатилганлар уч киши эди. Сайлов қизғин курашлар билан ўтиши шунданоқ маълум эди. Учрашувларда сайловчилар ишончини кўпроқ қозонган киши депутатликка сайланиши мумкин. Шунинг учун номзодлар ташаббусни қўлга олишга ҳаракат қилишар, ўзларини кўрсатиш учун дастурининг дабдабали бўлишига уринишарди. Лекин улар бир нарсани — энди одамларни қуруқ ваъда билан алдаб бўлмаслигини унутиб қўйишганди. Қодиржон бу йўлдан бормади. Унинг дастури қисқа ва лўнда эди. Ундан бажарилиши лозим бўлган ишлар ўрин олганди. Сайловчиларга мана шуниси ёқди. Уларнинг ўзлари ҳам буни инкор этишмади.

— Бунисига ишонса бўлади, — дейишди улар.

Шундай қилиб кўпчилик сайловда Қ. Сафаев учун овоз берди.

— Сайловда ғолиблик менга насиб этгандан кейин ўйланиб қолдим. Кўпчиликку менга ишонди, энди мен шунга яраша ишлай оламанми? Ана шу савол менга бир зум тинчлик бермади. Талаб ва истаклар эса жуда кўп. Айниқса, сайловчилар йўлларнинг ёмонлигидан, газ ва иссиқ сув таъминотидан шикоят қилишган. Демак, ишни шундан бошлаш керак. Шундай бўлди ҳам...

Бугун биз Қодиржон бажарган наказлар ҳақида, майли, у хоҳ катта, хоҳ кичик бўлсин гапирар эканмиз, уларнинг амалга оширилишида депутатнинг қанчалик елиб-югурганини қайд этмай иложимиз йўқ.

— Ҳатто кўп болали бир сайловчининг истаги — боласини боғчага жойлаш учун бир неча бор район халқ таълими бўлимига боришга тўғри келди, — дейди депутатнинг ўзи.

Шундай экан, энди округга қарашли бир эмас, бир нечта кўчани асфальтдан чиқариш учун сарф этиладиган меҳнатни бир тасаввур этиб кўринг. Суҳбат орасида Қодиржоннинг ҳаёт йўлига назар ташлаймиз.

У Тошкент индустриал техникумини битиргач, «Красновосточное» депосида жойлашган 23-ҳунар-техника билим юртида слесарликдан дарс бера бошлади. Қизиқ, шу илмни талабаларга ўргатаётиб, троллейбус ҳайдашликка ҳаваси уйғонди. Талабалари билан бирга «Кўча ҳаракати қоидаси» ва «Троллейбус бошқариш»ликдан давлат имтиҳони топширди.

Қодиржоннинг ишлари юришиб кетди. Уни 8, сўнгра 20-маршрутга бириктириб қўйишди. Темир-йўл вокзали — «Олимпия» меҳмонхонаси оралиғида 30 та бекат мавжуд. Уни 55 дақиқада босиб ўтиши керак. Бунинг устига ҳар бир ҳайдовчи йўловчиларга юксак маданий хизмат кўрсатишдек ғайрат камарини боғладими, 172 километр йўлни бехатар босиши лозим. Чапдаст ҳайдовчи Қ. Сафаев бу вазифани шараф билан уддалаяпти.

Мураббийлик — яхши ният. Қодиржон қўлида таълим олган ёшлар ҳозирги кунда Бухоро, Самарқанд, Андижон, Душанбеда, М. Ҳатамов, Ф. Абубакиров, Х. Комиловлар Тошкентда моҳирлик билан троллейбус бошқармоқдалар.

Ҳар қандай маршрут ўз машъалларига эга. Авариясиз юрувчилар устаси Қ. Сафаев номи илғорлар қаторида фахр билан тилга олинади, унинг уддабуронлиги, ҳамшаҳарларига ҳожатбарорлиги юксак қадрланади. Ишонамизки, Қодиржон бундан кейин ҳам халқ ишончини садоқат билан оқлайверади.

**Ф. АБДУРАҲИМОВ,**
**кўпнусхали «Мотор» рўзномаси муҳаррири.**



**⊙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЧИҚИНДИЛАРИДАН. Ўрта Осиё кабель ишлаб чиқариш бирлашмасида халқ истеъмоли буюмларини ишлаб чиқарувчи янги майдон ташкил этилди. Бу ерда чиқиндилардан аҳолида эҳтиёж катта бўлган сим тўсиқлар тайёрланади.**

**СУРАТДА: оператор Алексей Адушев.**

**О. Журавлёв (ЎзТАГ) сурати.**

Факт ва шарҳ

# Хорижга шошилинч посилкалар, лекин... валюта эвазига

**Шошилинч тарзда посилкалар етказиб бериш системаси Тошкентни бутун дунё билан боғлади. «ЮПС—«Совтранссавто» Совет—Америка қўшма корхонаси билан Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти вазирлиги ҳузурида тузилган «Орол» транспорт-саёҳат сервис бирлашмаси ўртасида шундай шартнома имзоланди. Ҳужжатга кўра ҳамкорлик қилувчи шериклар жуда қисқа муддатда — Европа мамлакатларига икки кун, АҚШ ва бошқа давлатларга уч-тўрт кун ичида ҳар қандай амалий хат-хабар ёки посилкани етказиб бериш мажбуриятини оладилар. Корхоналар ва ташкилотлар, консулхоналар, хорижий корчалонлар «Орол» бирлашмасига мижоз бўлишлари мумкин. Тўғри, бунинг фақат битта шарти бор: хизмат ҳаққи валюта тўланади.**

(ЎзТАГ мухбири).

**Бу хабарни «Орол» транспорт-саёҳат сервис бирлашмасининг бошлиғи Р. Солиҳов шарҳлайди:**

— Биз Ўрта Осиё минтақаси ва Қозоғистонни Тошкент орқали жаҳондаги барча мамлакатлар билан боғлашни кўзлаяпмиз. Шошилинч тарзда хат-хабар ва посилкалар етказиб беришнинг «Экспресс» системаси ўзида энг янги электроникани ҳам, хат-хабар, посилка етказиб беришнинг анъанавий воситаларини ҳам уйғунлаштирган. Ўзбекистон пойтахтидан юклар Москвага Аэрофлот самолётларида етказиб берилади, сўнг эса Американинг «Юнайтед Парсел сервис» (ЮПС) фирмаси ҳаво кемаларида Кельн шаҳрига ва у ердан барча қитъаларга олиб борилади. Айтганча, биз шу кунларда «Тошкент» аэропорти билан шундай хизмат турини кўрсатиш юзасидан шартнома туздик.

«ЮПС»нинг барча ишбилармонлар дунёсида яхши обрўга эга эканлигини таъкидлаш зарур. 180 мамлакат унинг хизматидан фойдаланмоқда. Фирма ҳар куни 11 миллион дона посилка жўнатади ва етказиб беради. Бу ерда 24 минг нафар малакали ходим ишлаб турибди, 110 мингта юк машинаси ва фургонлар, 350 та самолёт, барча жўнатмалар манзилга топширилгунича уларни назорат қилиш имконини берадиган энг янги компьютер системалари бор. У бизнинг мамлакатимиз учун ҳам янги эмас. «ЮПС» — «Совтрансавто» қўшма корхонаси ярим йиллик фаолияти давомида Москва, Ленинград, Таллин шаҳарларини халқаро системага қўшди. Мана энди навбат Тошкентга келди. «Орол» сервис бирлашмаси «ЮПС» технологияси бўйича ишлаш мажбуриятини зиммасига олди. Шартнома муддати бир йил. Ана шу вақт ичида оёққа мустаҳкам туриб олсак, ундан кейин ҳам ҳамкорликни давом эттирамиз. Биз ҳозирча фақат ташкилий масалаларни ечдик. Хориждан дастлабки жўнатмаларни олдик. Жумҳуриятимизнинг ташқи иқтисодий алоқалари ривожланиши билан ишларимиз кўпайишига умид қиламиз. Лекин ҳозироқ ҳар қандай буюртмани бажаришга тайёрмиз. Айни вақтда мижозларга иложи борича кўпроқ хизмат кўрсатилади, бунинг учун улар жуда оз сарф-харажат қиладилар. Ҳужжатларни расмийлаштириш, чоғроқ юкларни жўнатиш, божхона кўригидан ўтиш ишларининг ҳаммасини фирма ўз зиммасига олади.

Хизмат нархларига келганда эса, бутун дунёда фойдаланиладиган халқаро юк ташиш учун тўланадиган нарх мавжуд. Масалан, Тошкентдан Америка Қўшма Штатларига хат-хабар йўллаш учун 40 доллар тўлаш керак бўлади. Масофа ва почта жўнатмасининг турига қараб ҳақ тўланаверади.

Бу нархлар бошқа шунга ўхшаш компания белгилаган ҳақлардан қиммат эмаслигини таъкидлаш лозим. Лекин биз хат-хабар ва посилкаларни уларга нисбатан анча тезроқ етказиб берамиз. Мана, бир мисол: хорижий ускуналарда ишлаётган заводни кўз олдингизга келтиринг. Унинг бирор мурвати ишдан чиқди ва қимматбаҳо техника тўхтаб қолди. Корхонага зарар келтира бошлади. Фирма ходимлари билан алоқа боғлаш ҳамда зарур қисмларни топиш учун неча ойлаб вақт кетади. Биз эса бу ишни бир ҳафтадан камроқ вақт ичида бажарамиз. Бунда «вақт — пул туради» деган мақолни эсламай бўлармиди, деб якунланади ЎзТАГ мақоласи.

Шарҳчи сатрлари

# Форс кўрфазидаги вазият

Форс кўрфази зонасидаги ҳарбий-сиёсий тангликни тинч йўл билан бартараф этиш умидлари кун сайин сўниб бормоқда. БМТ Хавфсизлик Кенгашининг мустақил Кувайт давлатини босиб олган Ироққа қарши иқтисодий жазо чораларига қатъий риоя этилишини таъминлаш учун «кам куч» қўлланиш мумкинлигини маъқулловчи 655-қарорни қабул қилиши ҳам аҳволни енгиллаштирмади. Бағдод бу қарорга жавобан ўзи босиб олган мамлакатни Ироқнинг 19-вилояти деб эълон қилди, шу тариқа уни қўшиб олишни «қонунлаштирди». Араб давлатлари уюшмаси кенгашининг Қоҳирада ташқи ишлар министрлари иштирокида ўтаётган шошилинч мажлиси аслида барбод бўлди. Бу мажлис бир неча бор кечиктирилди ва ниҳоят тўла бўлмаган таркибда ўтказилди. Ироқ режими вакиллари араб раҳбарларининг бундан олдинги олий даражадаги учрашувининг Бағдодни ўз қўшниларини Қувайтдан дарҳол олиб чиқиб кетишга даъват этган қарорини менсимаганларидек, Қоҳира кенгашини ҳам назар-писанд қилмадилар. БМТ Бош котиби Х. Перес де Куэльярнинг Иордания пойтахтида Ироқ ташқи ишлар министри Тариқ Азиз билан музокараларининг уч даври натижасиз тугади.

Шундай қилиб, дипломатия соҳасидаги куч-ғайратлар муваффақиятсиз чиққанлигини ва араб сафларида ажралиш юз берганлигини қайд этишга тўғри келади. Марокаш қироли Ҳасан II нинг гаплари башоратли бўлиб чиқди, у яқинда яна барқарорлик ва аҳилликка эришиш учун араб миллатига бутун бир авлод умри талаб қилинади, деган эди. Саудия шаҳзодаси Бандар Бин Султон ал Сауд ҳам шундай фикрни айтди. Унинг фикрича, араблар дунёси бузилган, у парчаланиб кетган, бинобарин уни йиғиш жуда қийин бўлади. Фожиали гаплар булар...

Ўринли савол туғилади: юз берган вазиятдан қандай чиқиш мумкин? Америка маъмурияти иқтисодий жазо чоралари ва ҳарбий тазйиқ Ироқни чекинишга мажбур қилади, деб ҳисобламоқда. Бироқ бошқача бўлиши ҳам мумкин: ночор қолган Ироқ раҳбари юз берган аҳволдан чиқиш йўлини топа олмай ақлга хилоф ишга қадам қўйиши мумкин. У ҳолда нима бўлади? Ахир Ироқ қўлида энг замонавий қурол-яроғлар ва заҳарловчи моддалар бор.

Бағдод режими билан турли экстремист ташкилотлар ўртасидаги қалин алоқаларни ҳам унутмаслик керак. Масалан, таниқли террорчи Абу Нидал Саддам Ҳусайннинг меҳмондўстлигидан фойдаланмоқда. Ана шу Абу Нидалнинг жангарилари сўнгги ўн беш йил давомида бутун дунё бўйлаб қотилликлар содир этмоқда, портлашларни ташкил қилмоқда, самолётларни ва гаровга одамларни ушлаб қолмоқда. Ироқ раҳбари ана шу сохта инқилобчилар ёрдамидан фойдаланиш имкониятига борлигига шама қилди.

Ғарбдаги ва араблардаги манбаларнинг далолат беришича, Ироқ махсус хизмат маҳкамалари фақат араб мамлакатларида эмас, Европадаги кўпгина мамлакатларда ва ривожланаётган мамлакатларда кенг илдиз отган тармоқларни вужудга келтирган. Бағдоднинг яширин операцияларидан айримларигина фош қилинди, холос. Бу операциялар асосан ядро қуроли ишлаб чиқариш технологиясини қўлга киритиш билан боғлиқ эди. Ироқнинг дўқ-пўписа қилиш воситалари аслаҳахонасини яқин вақт ичида химиявий қуроллар билан бир қаторда ядро қуроли ҳам тўлдиради, деб тахмин қилиш мумкин.

Саддам Ҳусайннинг холис ниятига умид қилиб бўлмайди. Ҳозирги тутаётган ишларига қараганда, Ироқ президенти ҳали узоқ савдолашади, бунинг учун қўлидаги имкониятларни пеш қилади. Саддам Ҳусайн АҚШ штаблари бошлиқлари комитетининг раиси генерал К. Пауэллнинг гапларига қараганда, «қўрқитиш ёрдамида ҳукмронлик қилаётган, келишмовчиликларни қурол билан ҳал қилаётган ва босқинчилик билан яшаётган раҳбарларнинг рўйхатида энг сўнггиси бўлади», деб умид қилишгина қолмоқда.

Форс кўрфазидаги воқеалар регионал можаролар тинчлик учун қанчалик хавфли эканлигидан яққол далолат бермоқда. Бу можароларни тезда бартараф этиш бутун инсониятнинг ҳаётий манфаатларига мос келади. Форс кўрфазида чўзилиб кетган можаро хотимаси қонли тус олишига йўл қўймаслик учун барча имкониятлардан фойдаланиш зарур.

**Дмитрий ЗЕЛЕНИН.**
**(ТАСС).**



**⊙ Иммиграция вужудга келтираётган ижтимоий кескинлик муносабати билан шошилинч равишда умумий сиёсий йўлни ишлаб чиқиш зарурлиги ҳақида жуда кўп гапирилса ҳам Европа ушбу муаммони ҳал этишда ҳамон кечикмоқда. Сўнгги йилларда Европанинг деярлик барча мамлакатларида келгиндиларга нафрат туфайли ўта ўнг ҳаракатлар вужудга келмоқда: ГФР республикачилар партияси аслини олганда Франция миллий ҳаракатидан ҳеч фарқ қилмайди, Испанияда, Италияда ҳам ташвишли аломатлар намоён бўлаяпти.**

**СУРАТДА: юзини қора рангга бўяб олган бу шахслар — ирқчиликнинг яна бир қиёфасидир.**

**ТАСС сурати.**

